



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nokis qalasi, Dosnazarov koshesi 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«09» август 2021-y.

№ 02-03/02-3574 »- 2021-j.

Қарақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенғашыга

Сизнинг, 2021 йил 05 августдаги 1/477-сонли топшириғингизга:

Қарақалпоғистон Республикаси бўйича 17 та туман(шахар) халқ таълими бўлимларида васийлик ва хомийлик органлари ташқил этилиб, болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва куллаб-қўвватлаш бўйича мутахассис штатлари белгиланган.

Қарақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тассаруфида 6 та давлат ихтисослаштирилган маҳсус мактаб-интернати ва 1 та “Меҳрибонлик уйи” фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда васийликга, хомийликга ва фарзандликка олинган ота-она қарамағидан маҳрум бўлган етим болалардан назоратда турганлар 6229 нафар боланинг ҳуқуқлари муҳофаза этилиб, 1155 нафар бола васийликга, 718 нафари хомийликга ва 4356 нафар бола фарзандликга берилди.

Бугунги кунда меҳрибонлик уйида 118 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбияланмоқда, улардан 62 нафари ўғил бола, 56 нафари қиз болаларни ташкил этади.

Шундан 9 нафари (7,6%) чин етим, 21 нафари (17,8%) яrim етим (отаси ё онаси йўқ), 61 нафари (51,7%) ижтимоий етим ва ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар фарзандлари, 15 нафари (12,7%) кам таъминланган оиласар фарзандлари, 3 нафари (2,5%) ногиронлар фарзандлари, 5 нафари (4,2%) ота-онаси озодликдан маҳрум қилинганлар фарзандлари. 4 нафари (3,4%) ота-онаси ташлаб кетилганлар.

Тарбияланувчиларнинг 1 нафари 3-6 ёшли, 28 нафари 7-10 ёшли, 69 нафари 11-15 ёшли, 23 нафари 16-18 ёшлиларни ташкил қилади.

Меҳрибонлик уйидаги касб-хунарга ўргатиш бўйича ташкил этилган тўгараклар машғулотлариiga Хўжайли туманидаги касб-хунар мактаби бириктирилган. Хозирги кунда 13 та 9 синф битирувчи мавжуд бўлиб Қарақалпоғистон Республикасидаги касб-хунар мактабларига хужжатлари топширилди.



2015-2020 йилларда “Мехрибонлик уйи”ни тугатган жами 108 нафар тарбияланувчиларнинг 90 нафарининг бандлиги таъминланган. Қолган 18 нафар битирувчилар ишсиз ҳисобланиб, уларнинг хозирги кунда

13 нафари олий таълим муассасаларига имтиёз асосида ўқишига кириш учун хужжатларини топширган, хозирги кунда улар тест синовларига тайёргарлик кўрмокда;

2 нафари (қизлар) оила қуриб, бола тарбияси билан шуғулланмоқда;

1 нафари Миграция агентлиги орқали чет давлатга шартнома асосида ишга жойлаштирилди;

2 нафар қизимиз Нукус шаҳрида жойлашган касб-хунарга ўргатиш Мономарказидаги (батлер официант ва гузаллик салони ишчиси) ўкув курсларида ўқиш истагини билдирган.


Шу билан бирга, 33 нафар битирувчилар уй-жойга мухтож.

Қорақалпоғистон Республикасида 4 та имконияти чекланган болалар учун маҳсус мактаб-интернатида 955 нафар ногирон ўқувчилар таълим-тарбия олиб келмоқта.

Шуннан Хўжайли туманидаги 3-сонли ақли заиф болалар учун мактаб-интернатида 325 ўқувчи, Нукус шаҳри 4-сон карва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 247 ўқувчи, Нукус шаҳри 10-сон кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 225 ўқувчи, Тўрткўл туманидаги 62-сонли маҳсус ёрдамчи мактабида 158 нафар ногирон ўқувчилар таълим-тарбия олиб келмоқта.

Ушбу 4 та маҳсус мактаб-интернатларни тегишли ташкилотлар билан биргаликта хатловдан ўтказиб, уларни идоравий мансублигини қайта кўриб чиқиши режалаштирилмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири биринчи ўринбосари в.в.б



Қ.Бекбаўлиев

Ижрочи: А.Аймуратов

Тел: (61) 222-94-54